

Истеъмолчиларга ичимлик суви етказиб бериш
ШАРТНОМА СИ № 211

Марҳамат тумани

5 январь 2022 йил

Ушбу шартнома «Андижон сув таъминоти» масъулияти чекланган жамияти Марҳамат туман филиали, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи Ашурев Х. бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Марҳамат туман Халқ таълими бўлими низоми асосида иш олиб борувчи директор А.Абдувохидова иккинчи томондан, куйидагилар хақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш хажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлар (бундан бўён матинда II гурух «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш 1430 сўм нарх бўйича 1262 м³ни:

1 м³ ичимлик сув учун 631 сўм (+ККС 15%), + 50 сўм (махсус устама ҳак)ни ташкил килмоқда.

Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 902330 сўмни ташкил килди. (Тўқоғиз юз икки минг уч юз ўттиз сўм)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 902330 сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан 0 сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурух истеъмолчилари Коидаларда белгиланган тарзда “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган хисоб варак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни кабул килиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни ҳар ойнинг 10 санаасигача 100 фоизлик олдиндан ҳак тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Коидалари”га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланадиган махсус устама ҳаки 1 м³ ичимлик сув учун 50 сўм, 1 м³ оқова сув хизмати учун 50 сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим килинган ичимлик ва оқова сув тишинига узининг учун рухсат этувчи хўжатларга роҳи мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. Умумий коидалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти рухсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, иншоот ва курилмаларга субистеъмолчиларниң уланишига рухсат бериш хукуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гурух ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни хисобга олиш приборини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий хисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дарахтларни сугориш учун фойдаланилишига қуйидаги истисно ҳолатларда йўл кўйилади: ирригация суви бўлмаганда, таъминотчи ташкилоти куввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, факат тунги вактда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл кўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истеъмолчи хўжалик-истеъмол, маший эҳтиёж ва ёнгинларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни хисобга олиш приборлари Ўзбекистонстантаргаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини хисобга олиш приборини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш конунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истемолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аникланади, объектнинг максимал сув истемоли ва минимал сув истемолига текширилади ҳамда «Истемолчи» билан келишилади. Хисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истемол микдоридан кам микдорда сув истемол килинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармогини қайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, хисоблаш приборининг кўрсаткичлари кабул килинимайди ва хисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва окова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш приборларини ишга тушириш, хисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистемолчиларининг уланиши «Истемолчи» томонидан факат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиха асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истемолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиковчи хужжатларни илова килган холда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истемолчи» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошка меъёрий хужжатлар асосида ишлаб чикилади.

2.9. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истемолчи» ва курилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва окова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳак микдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истемолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини саклаб қолади ва «Истемолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Куйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истемолчи»лар шу жумладан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, ичимлик ва окова сув хизматлари тармоклари, иншоотлари ҳамда курилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник холатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) ичимлик сув истемоли учун — тармоқка уланишини узиб кўйувчи кириш кулфи. Кириш кулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истемолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир кисми хисобланади;

б) окова хизмати учун — «Истемолчи» окова тизимининг ички кисми хисобланувчи, магистрал окова тармогига уланиш нуқтасидаги чиқарув қудуғи. Агар чиқарувчи окова қудуғи (камераси) магистрал окова тармогига жойлашган бўлса, ушбу қудук «Таъминотчи» ташкилоти окова тармогининг бир кисми хисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истемолчи»нинг маблағилари хисобидан амалга оширилади.

III. Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Истемолчи» нинг хукуклари:

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва окова сув тармокларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу мурдатда сув таъминоти ёки окова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.1.3. Ичимлик ва окова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, қарзларнинг йўклиги ҳакидати маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили оркали белуп олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва окова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳакидаги маълумотларни белуп олиш;

3.1.5. Ичимлик ва окова сув хизматлари кўрсатилмаёттанилиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

3.2. «Истемолчи» нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Окава тармогига авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишидан саклайдиган барча ўчирувчи курилмаларнинг бут саклантилиги, ишга яроқлидиги ва нормал техник долатда бўлишини таъминлаш,

3.2.2. Истеъмолчига қарашли санитария асбоблари, оқава тармоклари, иншоот ва курилмаларда тамбанинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқава тармокларида ёки «Таъминотчи» ташкилотида, ичимлик сув ва окованинг ташки тармокларида авария (тиклиб қолиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарни қоплаши;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан хисоб-китоб килиш учун фойдаланиладиган сувни хисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнғин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошка ичимлик сув курилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва саклаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва окова сув тармоклари, иншоотлари ва курилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонуичиликда белгиланган тартибида жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнғинга қарши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чақириш;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофик мажбуриятларига риоя қилиш, хар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вактида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган ҳолда тақдим килиши ва тўловини амалга ошириш.

3.3. «Таъминотчи» нинг ҳуқуклари:

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истеъмолчини 7 кун аввал ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда, куйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва окова сувларни қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истеъмолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва окова сув тармоклари, курилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз бўлганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аникланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истеъмолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истеъмолчининг сувни хисобга олиш узели, ичимлик ва окова сув тармоклари, курилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни хисобга олиш прибори кўрсаткичларни қайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув беришини мувофиклаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошка ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишида киритилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва окова сув тармоклари, курилмаларида режали-огоҳлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиши ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва окова сув тизимлари ёки тармокларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аникланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва окова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;

е) «Истеъмолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва окова сув тармокларига, курилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибида рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибида уланиши рад этилганда;

ё) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у оқизиладиган окова сувлар микдори ва таркиби бўйича шартларга риоя килмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти куйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишга ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табиий оғатлар рўй бергандা;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёнғин чиқкан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат тугилганда.

3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Сув таъминоти ва окова сувни чиқариб юбориши юзасидан шартнома шартларини бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва окова сув тармокларининг техник ҳолатини мунтазам равишида назорат килиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқава тармоклари, ишшоотлари ҳамда қурилмаларининг холатини ва улардан фойдаланишини мунтазам равишда назорат килиб бориш, улардан самарали фойдаланишини ташкиллаштиришда истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувни бехуда сарфининг олидини олиш, саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя қилинаётганини мунтазам равишда назорат килиш;

3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган холатларда «Таъминотчи» ташкилларига белгиланган тарифларга ишебатан орттириувчи 10,0 коэффициентни кўллаш;

3.4.7. Оқова сув тизимиға оқизилаётган оковаларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофик ўз мажбуриятларини бажара олмаган холатларда истеъмолчига пеня хисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартларига риоя этишмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат килиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, карзларнинг йўклиги ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга бепул тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидағи ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий килинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор килиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқава сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар ҳақида истеъмолчилар узилишилар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огохлантириш.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофик мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган холларда келиб чиккан зарапни, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарап ўринини қоплаши шарт.

4.2. «Истеъмолчи» кўйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик сувни хисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланиш чизиги жўмраги, гидрант ва бошка сув узатиш мосламаларидағи кисмларининг худудиди ва тасарруфида бўлган пломбалангандан хисоблаш қурилмаларининг бутун сакланиши учун;

б) Сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш қурилмаларининг қасдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув хисоблаш приборларидағи кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан қурилган ишшоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеъмолчи» худудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат килади;

д) Конунчилликда ўрнатилган бошқа холиарда.

4.3. «Таъминотчи» кўйидаги холларда жавобгардир:

а) Амлдаги меъёрий-хукукий хужжатларнинг талабларига мувофик ва конунчилликда кўзда тутилган бошка холларда;

б) «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларни ўз вактида ва ишончли тақдим килиниши учун;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарап, маънавий зарап учун конунчилликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда қоплаш;

г) Шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул килинган) сувнинг хисоби ҳисобланни прибори мавжуд бўлганда, хисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофик амалдаги тарифлар бўйича ККСни хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2 «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун хисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охирги уч ойнинг ўртacha сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан хақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган ҳар бир куни учун истеъмолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан хақ тўловларини амалга оширасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор килган пайтдан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин карзларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармокларидан узб кўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда ёнгидан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилиди. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узб кўйилган ҳолларда кайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий хисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблагларни ўтказиши орқали ундирилди;

5.5. Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол килинувчи ичимлик сув миқдорига оқова сув тармоклари хисоби учун 2,0 коэффициенти кўлланилди. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилди. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (кудук, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объекtlаридан маҳсус сув олиш ёки истеъмол килиш учун рухсатномани кўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбай (артезиан скважинаси, кулук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимида оқова сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш куввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилди. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд карзларини тўлаб, бу хақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетгач сувни хисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва копланмаган дебитор карздорлик учун жавобгарлик объекtlарининг янги эгаси зиммасига юкланаади.

6.2. Ётказиб берилган ёки кабул килинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиши кобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан куйдаги формула асосида хисобланади:

бунда: $M = 0.60 \text{ га тенг} \cdot \text{бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти};$

$F - \text{суюклик оқиб ўтадиган кувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)} \text{м}^2;$

$g - 9,81 \text{ м/сек га тенг} \cdot \text{бўлган эркин тушиш тезлиги};$

$H - \text{сувнинг метрлардаги босими};$

$t - \text{вакт} - 24 \text{ соат, секундларда}.$

Куйидаги ҳолатларда юкоридаги формула асосида хисобланади:

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиккан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнгти тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатидган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

5.2 «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун хисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охирги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан хақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган ҳар бир куни учун истеъмолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан хақ тўловларини амалга оширасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор килган пайтдан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин карзларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармокларидан узб кўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда ёнгидан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилиди. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узб кўйилган ҳолларда кайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий хисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблагларни ўтказиши орқали ундирилди;

5.5. Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол килинувчи ичимлик сув миқдорига оқова сув тармоклари хисоби учун 2,0 коэффициенти кўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш приборларининг кўрсаткичлари) кўпайтирилди. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (кудуқ, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошка оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объекtlаридан маҳсус сув олиш ёки истеъмол килиш учун рухсатномани кўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбай (артезиан скважинаси, кукуш, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимида оқова сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш куввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилди. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд карзларини тўлаб, бу хақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт: «Истеъмолчи» чиқиб кетгач сувни хисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва копланмаган дебитор карздорлик учун жавобгарлик объекtlарининг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми кувурнинг ўтказиши кобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан куйдаги формула асосида хисобланади:

бунда: $M = 0.60 \text{ га тенг} \cdot \text{бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти};$

$F - \text{суюклик оқиб ўтадиган кувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)} \text{м}^2;$

$g - 9,81 \text{ м/сек га тенг} \cdot \text{бўлган эркин тушиш тезлиги};$

$H - \text{сувининг метрлардаги босими};$

$t - \text{вакт} - 24 \text{ соат, секундларда}.$

Куйидаги ҳолатларда юкоридаги формула асосида хисобланади:

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганди;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиккан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнти тузишган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикрок бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг хисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги кўйилган химоя қопламига (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнгидан сакланиш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат килади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори бўритилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга кадар хисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу хақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансдаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тутагач буортмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига уланиш санаси хақидаги хужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан хоким қарори ва кадастр хужжатлари хамда шу кабилар асосида хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан З кунлик муддат ичida акцептсиз тартиба амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2010 йил 3 февраль кунида қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондлари” хамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан З (уч) баробар ортирилувчи коэффицент микдор тартибида хисобланади.

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича меъёрлар билан белгиланган оқизишнинг йўл кўйиладиган чекланган микдоридан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизганлик учун компенсация тўловларини хисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги “Табиатни муҳофаза қилишин таъминланшининг иктисолий механизmlарини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сон қарорига мувофик амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондлари хамда ифлослантируvчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини хисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланимаган тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармоқтаридан узиб кўйилади.

6.11. Хисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътироzнома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътироzнома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўrsatilgan суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод килмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиккан низолар, келишув йўли билан ҳал килинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ юридик «Истеъмолчи» давлат рўйхатидан ўтган суд органларида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиккан тақдирда Конунчиликда белгиланган тартибда ҳал килинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошкини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати сингиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичida бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қиласа, томонлардан бири шартномани бекор қилиш хукуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома уч нусхада тузилган бўлиб, икки нусхаси таъминотчида бир нусхаси истеъмолчида сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал киласи.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

“Андижон сувтъминоти”
МЧЖ Марҳамат туман
филиали
Манзил. Дукчи Эшон МФЙ
Жоме кўчаси 25-ий
Тел: 99874 391-67-31, факс:

x/r: 22638000800285369315
Банк: АТНБ Ипотека банк
Андижон
МФО: 00059 СТИР: 200230760
ХХТУТ: 90213



Рахбар
М.У.
«_ _»
Х.Ашуров
(Ф.И.О. имзо)
202_ ий.

«ИСТЕЬМОЛЧИ»


Марҳамат туман Халқ таълими бўлими (Б

Манзил Марҳамат туман Мустақиллик кў

Тел: _____,

газ/x-r 23402000300100001010
Банк Марказий банк Ўзбекистон

Банк коди 00014 СТИР 201122919
ХХТУТ 92400
Шахсий ракам 1000228600322770961000750



СТИР 200286343
Марҳамат туман Газначилиги
(газначилик бўлинимаси номи)
Рахбар А.Абдувохирова
(Ф.И.О. имзо)
202_ ий.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA
№ HQ38014854

1. Loyihaning turi

Shartnomा

2. Loyihaning nomi

Iste'molchilarga ichimlik suvi yetkazib berish shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Tuman xalq ta'limi bo'limi 21.01.2022 yil.

Loyiha amaldagi qonun talablariga muvofiq ravishda ishlab chiqilgan,
imzolash maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsul't



K.Abdusalomov

25.01.2022 yil